

ҲФХ фанидан 2-семинар

мавзу:

ҲФХ АКСИОМАЛАРИ

“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” назариясининг:

- **асосий фикрлари;**
- **тасдиқлари;**
- **тушунчалари**

бир қатор **аксиомалар** кўринишида
шакллантирилган.

1-аксиома. Ҳар қандай фаолият потенциал хавфлидир.

Моҳияти:

- Инсоният тажрибаси шуни кўрсатадики ҳар қандай фаолият турида **потенциал хавф** мавжуд.
- Демак, фаолиятнинг ҳеч қандай бир турида **мутлоқ (абсолют)** хавфсизликка эришиб бўлмайди.
- Бу аксиоманинг методологик ва эвристик аҳамияти жуда каттадир.

**Самолёт ва қушлар
тўқнашадими?**

Самолёт ва қушлар тўқнашадими?



**Самолёт ва автомобиль
тўқнашадими?**









Автомобиль ва катерларчи?



- **2-аксиома. Ҳар бир фаолият тури учун унда максимал самарага эришишга ёрдам берувчи қулай (камфорт) шароитлар мажмуи мавжуд.**
- Бу аксиома, амалда, ҳар қандай фаолият турида уни хавфсизлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан мақбуллаштиришнинг принципиал имкониятлари мавжудлигини тасдиқлайди.

- **3-аксиома.** Табиий жараёнлар, антропоген фаолият ва фаолият объектлари ўз-ўзидан, кутилмаганда устиворлигини йўқотиш хусусиятига ва (ёки) атроф-муҳитга узок муддат салбий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга, яъни уларда қолдиқ таваккал (хавф) мавжуд.
- **4-аксиома.** Инсонларга, техносферага ва табиий муҳитга (биосферага) потенциал салбий таъсирларнинг бирламчи сабаби қолдиқ таваккалдир.








- **5-аксиома.** Агарда инсонга салбий (негатив) таъсирлар чегаравий йўл қўйиладиган миқдорлардан, уларнинг комплекс таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда, ошмаса хавфсизлик реалдир (мавжуддир).
- **6-аксиома.** Агарда биосферага салбий таъсирлар чегаравий йўл қўйиладиган миқдорлардан, уларнинг комплекс таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда, ошмаса экологик ҳолат реалдир (мавжуддир).

- **7-аксиома.** Техноген салбий таъсирларнинг йўл қўйиладиган миқдорлари техник тизимларга, технологияларга ва уларнинг регионал комплексларига нисбатан қўйиладиган экологик ва хавфсизлик талабларига амал қилиш билан, ҳамда экобиоҳимоя тизимларини қўллаш натижасида таъминланади.











Это крепление, изготовленное компанией Эрготрон (Ergotron), обеспечивает возможность регулировки положения ноутбука из стороны в сторону, подъема и наклона в соответствии с требованиями Закона ADA

- **8-аксиома.** Техник объектлардаги ва технологик жараёнлардаги экобиоҳимоя тизимлари ишга туширилиш приоритетига, ҳамда иш режимини назорат қилиш воситаларига эга бўлиши керак.
- **9-аксиома.** Техник воситаларни ва ишлаб чиқариш жараёнларини хавфсиз ва экологик ишлатиш операторнинг квалификацияси ва руҳий-физиологик кўрсаткичларига техник тизимларни лойиҳаловчи томонидан қўйилган талабларга мос келиши, ҳамда оператор томонидан хавфсизлик ва экологик меъёр ва қоидалар талабларига қатъий амал қилиниши натижасида таъминланади.












“Балиқ склети” схемаси ёрдамида аксиомаларни тасдиқловчи фикрларни ёзинг



Назорат саволлари:

- Фаолият нима?
- Меҳнат нима?
- Фаолият жараёни моделини таърифланг.
- Хавф нима?
- Хавф таксономияси номенклатураси нима?
- Хавфлар келиб чиқиш табиати бўйича қандай гуруҳланган?
- Хавфлар расмий стандарт бўйича қандай гуруҳланган?
- Хавф квантификацияси ва идентификацияси нима?
- “Хавф – сабаб – оқибат” учлиги нима?
- ҲФХ биринчи ва иккинчи аксиомалари моҳияти нима?